

Аскарлари бақувват юрт қудратли бўлур.

“Мустақиллик даврида ёш давлатимиз, унга қудрат бахш этгувчи заҳматкаш халқимиз давлат ва жамият қурилишининг турли жабҳаларида беқиёс ютуқларни қўлга киритганини ғурур билан таъкидлаб ўтиш мумкин. Дунё харитасида янги, ўз овозига, ўз ўрнига эга бўлган мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлганини ҳозир ҳеч ким, ҳатто ғанимларимиз ҳам инкор эта олмайди. Ўтган давр ичида, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда эришган ютуқларимизнинг энг биринчи, энг асосий омили бу мамлакатимизда ўрнатилган тинчлик-хотиржамлик, миллатлараро тотувлик, мамлакат хавфсизлигини сақлаш борасидаги чора-тадбирлар бўлди, деб ишонч билан айта оламиз. Чунки фақат тинчлик бўлган мамлакатдагина сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини тарих ҳам, ўтган кунларимиз ҳам исбот қилиб турибди. Аммо мустақилликнинг асл моҳиятини тушуниш, унинг қадрига етиш учун ҳозирги кунда фақат ютуқларимиз тўғрисида гапириш кифоя қилмайди. Мустақилликка қонсиз, қурбонларсиз эришган бўлсак-да, айтиш жоизки, мустақилликнинг юки оғир. Бу юкни кўтара олиш, мустақилликни сақлаб қолиш нақадар оғирлигини қўшниларимизнинг тақдири исбот этиб турибди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сарҳадлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилишда бошқа давлат қуролли кучларига муҳтож мамлакатларнинг тўла мустақиллиги ҳақида гапириш мумкинми? Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига киритишни истаган ва бунинг учун барча найрангларни, қолаверса, ҳарбий кучни ҳам ишлатишга тайёр бўлган кучлар қуршовида Ватанимизнинг мустақиллигини сақлаш учун беҳисоб қийинчилик ва изтиробларни бошдан кечиришга тўғри келди. Айниқса, ҳозирги кунларда бутун жаҳондаги энг таҳликали минтақалардан бири бўлган бизнинг минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун қанчалик оқилона сиёсат юргизиш кераклигини, сабот ва матонат зарурлигини ҳаётнинг ўзи исбот этаяпти”.

Президентимиз айтган бу сўзлар унинг мамлакатимиз тақдири, келажаги ҳақидаги ташвишли ўйларининг қисқа ва маънодор ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз. Бу иборада мустақилликни эълон қилиш билан кифояланиб бўлмаслиги, уни сақлай билиш, бунинг учун эса ўз халқини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қила олиш, унинг тинч-тотув яшашига имконият яратиш, ўз сарҳадларини ҳимоя қилиш, мудофаа қудратини таъминлаш зарур экани ҳақидаги фикр мужассам.

Фарғона вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши институтида 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни”га бағишлаб “Ватанни ҳимоя қилиш-муқадас бурч ”мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари фахрийлари, запасдаги подполковник Шухратжан Эркабоев, капитан, афғон уруши иштирокчиси Шавкатжон Муллажонов, Шарқий ҳарбий округ офицерлари, подполковник Раҳматуло Зокиров, лейтенант Обиджон Рашидов, кичик сержант Пўлатбек Жиянбоевлар ва институтда малака ошираётган 200 нафар устоз ва мураббийлар иштирок этдилар.

ВХТХҚТМОИ ректори Н.Абдулахатов тадбирни кириш сўзи билан очди. Мамлакатимизда **14-январ “Ватан химоячилари куни” Ўзбекистон Республкаси Қуролли кучларнинг ташкил топган** сифатида нишонланиб келаётганлигига бу йил 24 йил бўлди.

Мустақиллик йилларида ёш давлатимиз жаҳонда ўзининг ўрни топди. Бугунги кунда 141 та давлатлар ичида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича 2 ўрни эгаллаб турганлиги, БМТга аъзо бўлганлар ичида ривожланиш кўрсаткичлари бўйича 44 ўринда турганлиги, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши даражаси 8,2 фоизга ўсганлигининг заминида қудратли давлатимизнинг заҳматкаш халқининг, мухтарам юртбошимизнинг ҳамда Ўзбекистон Қуролли кучларининг хизматлари бекиёсдир.

Ғурур билан таъкидлаб ўтиш мумкинки, ўтган давр ичида, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда эришган ютуқларимизнинг энг биринчи, энг асосий омили бу мамлакатимизда ўрнатилган тинчлик-хотиржамлик, миллатлараро тотувлик, мамлакат хавфсизлигини сақлаш борасидаги амалга оширилган катта ҳажмдаги чора-тадбирлар бўлди.

Чунки фақат тинчлик бўлган мамлакатдагина сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини тарих ҳам, ўтган кунларимиз ҳам исбот қилиб турибди. Мустақилликка қонсиз, қурбонларсиз эришган бўлсак-да, айтиш жоизки, мустақилликнинг юки оғир. Бу юкни кўтара олиш, мустақилликни сақлаб қолиш нақадар оғирлигини қўшниларимизнинг тақдири исбот этиб турибди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, сарҳадлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилишда бошқа давлат қуролли кучларига муҳтож мамлакатларнинг тўла мустақиллиги ҳақида гапириш мумкинми?

Айниқса, ҳозирги кунларда бутун жаҳондаги энг таҳликали минтақалардан бири бўлган бизнинг минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун қанчалик оқилона сиёсат юргизиш кераклигини, сабот ва матонат зарурлигини ҳаётнинг ўзи исбот этаяпти.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мудофаа масалаларига катта аҳамият берганликлари сабабли, бугунги кундаги мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигига эришганлигини тушиниб етиш қийин эмас. Юртимизда маҳаллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш масаласи доимо юртбошимизнинг диққат марказидаги устувор масала бўлиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуслари билан Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ҳарбий мутахассисликларга тайёрлайдиган лицейлар ташкил этилди, Қуролли кучлар Академияси, Тошкент Олий умумқўшин командирлиги, Самарқанд Олий автомобилчи командир-мухандислар, Чирчик

Олий танкчи командир-мухандислар, Жиззах Олий ҳаво кучлари (авиация) ҳарбий билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университетининг ва Тошкент Тиббиёт Академияси да махсус факультетлар 28 йўналишдаги ҳарбий мутахассислик бўйича малакали офицер кадрларни тайёрлаб келмоқда. Тинчлик ва осойишталик, хотиржамлик ҳукм сурган жойда эзгу ишлар бардавом бўлиши ҳақида тўхталди. Ҳақиқатни ҳалқимиз истиқлол йилларида Президентимиз раҳномалигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, қолаверса, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-оқибат каби инсоний туйғулар ҳар қачонгидан юксак чўққиларга кўтарилгани, осмонимиз мусаффолиги, юртимизнинг фаравонлиги йўлида олиб борилаётган улкан саъй-ҳаракатлар мисолида янада теран англаб етаётганлиги гапирди..

Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ватан ҳимоясига, унинг мудофаа қудратини ошириш масалаларига жиддий эътибор бериши бежиз эмас. Мамлакат Қуролли кучлари мустаҳкам бўлмас экан, тинчлик, хотиржамлик бўлиши қийинлиги;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125 ва 126-моддаларига асосан Қуролли кучлар Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетининг ва ҳудудий яхлитлигининг, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигининг гранти деб эътироф этилган. Конституциянинг 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш-ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини;

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур айтганлардек: **“Билаги зўр-бирни йиқитар, билим зўр -мингни”**. Ҳақиқатдан ҳам ушбу хизматга таянган, ўзлигини англаган, аниқ мақсадга эга, миллий ғурури бўлган ҳарбийларимиз, Қуролли кучларимиз, Ватан ҳимоячилари энг катта бойлиги эканлигини ҳақида гапирди.

Тадбирда **Шарқий ҳарбий округ алоқа бўлими бошлиғи, подполковник Раҳматуло Зокиров:** Биз ҳақиқатан ҳам гўзал, бетакрор заминда яшаётганлигимиз, юртбошимиз таъкидлаб ўтган муҳим жиҳатга эътибор қаратсак: “Биз ким эдигу ким бўлдик?” деган саволни олдимизга қўйиб, ҳозирги ҳаётимизни кечаги кунимизга қиёслайлиган бўлсак, орамизда Ватанимизнинг бугунги тараққиёти билан фахрланмайдиган, буни кадрламайдиган одамнинг ўзи йўқлиги тўғрисида гапирди ҳамда институт раҳбариятига ва тадбир ишгирокчиларига ҳарбийлар миннатдорчилиги билидирди.

Қуролли кучлар фахрийси, афғон уруши иштирокчиси Шавкатжон Муллажонов: Чиндан ҳам халқ фаровонлиги, дастурхонлар тўкинлиги, юрт ободлиги йўлида амалга оширилган салмоқли ишлар тўғрисида ҳар қанча гапирсак, ғурурлансак ярашади. Мамлакатимиздаги бу тинчлик, осойишталик, барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг “Ватан ҳимоячиларининг” ўрни беноҳия катта. Мухтарм юртбошимиз раҳбарлигида Қуролли кучларимизни етук, ҳар томонлама билимли ҳарбий кадрлар билан таъминлаш, уларни ватанни ҳимоя қилишдек маъсулиятлари хизмат қилиш бўйича шарт-шароитлар яратиш, армиямизни замонавий ҳарбий техника ва аслаҳалар билан таъминлаш борасида улкан ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлади..

Тадбирда Марғилон шаҳар болалар мусиқа ва санъат мактаби тарбияланувчилари (Саодат Умрзоқова раҳбарлигидаги), доирачи ва раққосаларининг чиқишлари, таниқли хонанда Рустам Одилов, БМСМ тингловчилари томонидан тайёрланган катта байрам концерт дастури намоиш этилди.

Байрам тадбири иштирокчилари бўлган харбийлар ва армиямиз фахрийларига вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши институти жамоаси томонидан тайёрланган эсдалик совғалар ва “Фахрий ёрлик”ларни тантанали равишда институт проректори Х.Хайдаров топширишди ва тадбир иштирокчиларини байрам билан яна бир бор табриклади.

14 январь “Ватан химоячилари куни”га бағишлаб “Ватанни химоя қилиш-муқадас бурч” мавзусида ўтказилган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

А.Отажонв